

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/04.06.2020.Ped 70.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МУҲАММАДИЕВА МАНЗУРА МАРАТОВНА

**БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ФАОЛИЯТЛАР
ИНТЕГРАЦИЯСИ ЖАРАЁНИДА МАСЪУЛИЯТЛИЛИКНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси
(бошланғич таълим)**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Муҳаммадиева Манзура Маратовна

Бошланғич синф ўқувчиларида фаолиятлар интеграцияси жараёнида
масъулиятлиликни шакллантириш методикаси..... 3

Мухаммадиева Манзура Маратовна

Методика формирования ответственности у учащихся начальных классов
в процессе интеграции деятельности..... 21

Mukhammadieva Manzura Maratovna

Methodology of formation of responsibility of primary education students in the
process of activity integration..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/04.06.2020.Ped 70.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МУҲАММАДИЕВА МАНЗУРА МАРАТОВНА

**БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ФАОЛИЯТЛАР
ИНТЕГРАЦИЯСИ ЖАРАЁНИДА МАСЪУЛИЯТЛИЛИКНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси
(бошланғич таълим)**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/Ped1144 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.qarshidu.uz) ҳамда “ZiyoNet” ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ғаффорова Талъат

педагогика фанлари номзоди, профессор

Расмий оппонентлар:

Химматалиев Дўстназар Омонович

педагогика фанлари доктори

Уразова Марина Батировна

педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Урганч давлат университети

Диссертация ҳимояси Қарши давлат университети ҳузуридаги PhD.03/04.06.2020.Ped 70.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “___” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 180100, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17-уй. Тел.: (99875) 225-34-13; факс: (99875) 221-00-56; e-mail:kardu@mail.ru). Қарши давлат университети, Педагогика факультети, 201 хона.

Диссертация билан Қарши давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180100, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17-уй. Тел.: (99875) 225-34-13; факс: (99875) 221-00-56). e-mail:kardu@mail.ru).

Диссертация автореферати 2021 йил “___” _____ да тарқатилди (2021 йил “___” _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси).

Р.Д. Шодиев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

И.Б. Камолов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
п.ф.ф.д. (PhD), доцент

Ҳ.О. Жўраев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси,
п.ф.д., доцент

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда амалга оширилаётган ўзгаришларга мувофиқ, шахснинг атрофидаги динамик характерга эга бўлган муҳитга мослашувига ҳамда шахсий ривожланишини таъминловчи субъектив характерга эга бўлган фаолиятига, ташаббускорлик, мустақиллик, интизомлилик ва жавобгарлик каби хусусиятларига алоҳида талаблар қўймоқда. Хориж таълим тизимидаги замонавий тенденциялар шахс мустақиллиги асосида иродавий сифатлар, жавобгарлик ҳисси ва масъулиятлиликини жуда эрта ёш давридан шакллантиришни назарда тутмоқда. Жумладан, Финляндия, Жанубий Корея, Япония таълим тизимида кичик мактаб ёши давриданок болалар ҳаётий вазиятларда мустақил қарор қабул қилиш, келажаги учун масъулиятга ўргатиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Дунёда болаларда масъулиятлиликини ривожлантириш муаммосини аниқлаш ҳамда шахс масъулиятини шакллантиришни такомиллаштириш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан, шахсга йўналтирилган таълим стратегияси талаблари ва компетенциявий ёндашув асосида бошланғич синф ўқувчиларини фаолиятлар интеграцияси жараёнида масъулиятлиликини шакллантиришнинг самарали шакллари ва усулларини жорий этиш, бошланғич синф ўқитувчиларининг инновацион фаолияти кўлами даражасини кенгайтириш, уларнинг касбий компетентлилигини ривожлантириш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда эрта болалик ёшидан бошлаб, атрофдагиларга, жамиятга, табиатга ва ўз фаолиятига масъулиятли муносабатни шакллантириш ва шу асосда ёш авлод маънавиятини бойитишга сўнгги йилларда алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. “Ёш авлоднинг ўқишга бўлган қизиқишини янада кучайтириш, китобхонларни маънавий ва моддий рағбатлантириш, фаол китобхонлар сафини кенгайтиришни назарда тутати”¹. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда республикамизда 6-7 ёшли болаларни мажбурий мактабга тайёрлов жараёнига қамраб олиш, табиатга масъулиятли муносабатда бўлиш, эрта болалик давридан китобхонлик кўникмаларини шакллантириш борасида амалга оширилаётган тадқиқот ишлари муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2018 йил 30 сентябрдаги ПҚ-3955-сон “Мактабгача таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 30 сентябрдаги ПҚ-4467-сон “Халқ таълими тизимидаги мактабдан ташқари таълим самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорлари, Ўзбекистон Республикаси

¹Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 декабрдаги “2020-2025-йилларда китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва кўллаб-қувватлаш миллий дастурини тасдиқлаш тўғрисида” ВМК-781 сон қарори. <https://lex.uz/ru/docs/-5160827#-5162595>

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги ВМҚ-187-сон “Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартини тасдиқлаш тўғрисида”, 2018 йил 8 декабрдаги ВМҚ-999-сон “Болаларни бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик тайёрлашга босқичма-босқич ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 14 декабрдаги “2020-2025-йилларда китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастурини тасдиқлаш тўғрисида” ВМҚ-781-сон қарорлари, шунингдек, мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Юртимизда қадимдан аждоқларимиз маънавий меросидан тортиб ҳозирги кунда яратилаётган илмий, сиёсий манбаларда ҳам шахс масъулиятлилиги муаммосига атрофлича ёндашиб келинган. Жумладан, Президентимиз Ш. Мирзиёев асарларида ҳар бир фуқаронинг масъуллик ва шахсий жавобгарлик ҳисси жамият ижтимоий-иқтисодий тараққиётида муҳим ўрин тутиши алоҳида таъкидланади. Ёш авлод тарбиясида асосий эътибор қаратилиши лозим бўлган ахлоқий сифат тарзида Амир Темури “Тузуқлар”ида ҳам алоҳида қайд этилади. Шунингдек, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Кайковус, Саъдий Шерозий, Абдулла Авлоний асарларида ҳам фаолиятига жавобгарлик билан ёндашадиган ва шижоатли ёшларни тарбиялаш мақсадга мувофиқ эканлиги хусусида тўхталиб ўтилади.

Бошланғич таълим жараёнини самарали ташкил этиш муаммосини Р. Мавлонова, Т. Ғаффорова, Б. Адизовлар илмий изланишларида баён этган бўлсалар, бошланғич синф ўқувчилари тафаккури ва маънавиятини ривожлантириш муаммоси Ш. Нуруллаева, Н. Орипова, О. Аслоновлар тадқиқотларида, болаларда атроф-муҳитга масъулиятли муносабатни шакллантириш муаммоси М. Умарова тадқиқотида ўз ифодасини топган.

Ўзбекистонлик психолог олимлардан М. Давлетшин, Э. Ғозиевларнинг шахс психологиясига оид тадқиқотларида ҳам шахс масъуллиги муаммосига алоҳида эътибор қаратилади.

Илмий ва назарий даражада болаларда масъулиятлиликини шакллантириш муаммосини ўрганишнинг долзарблиги, шахс маъсулиятини шакллантиришни ўрганишга бағишланган кўплаб ишлар МДҲ олимлари (Л.И. Божович, З.Н. Борисова, В.А. Горбачева, Л.И. Дементий, К.А. Климова, Б.С. Мухина, В.П. Прядеин ва бошқалар) ва хорижлик олимлар (Л. Колберг, Ж. Пиаже, Ж. Роттер, Ф. Хайдер ва бошқалар) тадқиқот олиб боришганлигига қарамай мазкур сифатни кичик мактаб ёшидаги болаларда шакллантириш методикасини ишлаб чиқиш муаммоси педагогик тизим фанларида ҳалигача ўз ечимини топмай қолмоқда. Яъни кичик мактаб ёшидаги болалар шахсини ривожлантириш,

унинг мустақиллиги, мақсад сари интилувчанлиги, интизомлилиги, ташаббускорлигига қаратилган таълим контекстидаги масъулиятлиликни шакллантириш методикасининг назарий асослари яратилмаганлиги аниқланди.

Мазкур муаммонинг илмий-услубий жиҳатдан долзарб эканлиги кичик мактаб ёшидаги болаларни ўқитиш ва тарбиялашнинг мавжуд методикасида шахснинг етакчи ахлоқий сифати нуқтаи назаридан масъулиятлиликни шакллантириш масаласи тўлиқ ҳал этилмаганлиги билан изоҳланади; бундан ташқари, замонавий бошланғич таълим тизимида ўқувчиларда масъулиятлиликни шакллантиришнинг асосли, услубий ва технологик жиҳатларини акс эттирадиган илмий-методик даражадаги ишлар етарли эмас. Масъулият – инсон ҳаётининг муваффақиятини аниқлайдиган шахснинг муҳим асосий сифатидир.

Тадқиқотнинг асосий ғояси шундан иборатки, боланинг фаолиятдаги фаоллиги унга ўз ҳаракатларини ҳис қилиш ва масъулиятли хатти-ҳаракатларнинг индивидуал шакллари намоён этиш имкониятини беради. Кичик мактаб ёшидаги бола, дастлаб катталар ёрдамида, сўнгра мустақил равишда реал натижа ва унга эришишга қўшган шахсий ҳиссаси ўртасидаги боғлиқликни ўрнатади. У ўз хатти-ҳаракатининг натижалари учун шахсий жавобгарлик тажрибасини тўплаб боради. Катталар билан биргаликда фаолиятни таҳлил қилиш, сўнгра ўз-ўзини таҳлил қилиш эса керакли натижага эришиш ҳам унга боғлиқлигини англашга ёрдам беради. Бу биринчи навбатда ўз фаолияти натижаси учун, кейинчалик эса ўз ҳаёти ва бошқаларнинг ҳаёти жараёни ва натижаси учун масъулиятлиликнинг асосини ташкил этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қарши давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №А-1-173 “Ёшларни умуммиллий кадриятларимизга хос тарбиясини шакллантириш технологияси ва методикасини ишлаб чиқиш” амалий лойиҳаси (2015-2017 йй.) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар фаолиятлари интеграцияси асосида масъулиятлиликни шакллантириш методикасини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

фалсафий ва психологик-педагогик адабиётларда шахс масъулиятлиги муаммосининг назарий ва амалий жиҳатларини ўрганиш, унинг долзарблигини асослаш;

шахснинг турли фаолиятлари моҳиятини тавсифлаш ва фаолиятларни интеграциялашнинг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш, мезонлари ва кўрсаткичларини белгилаш;

мактабга тайёрлов даврида болаларни масъулиятли мактаб ҳаётига адаптациясини таркиб топтириш асосида тартиб интизом, жавобгарликка ўргатиш методикасини такомиллаштириш;

бошланғич синф ўқувчилари фаолиятлари интеграцияси жараёнида масъулиятлиликни шакллантириш модели ва ушбу жараёни амалга ошириш методикасини ишлаб чиқиш;

тажриба-синов йўли орқали кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда бошланғич таълим жараёнида масъулиятлиликни шакллантиришнинг самарадорлик даражасини текшириш ва тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида бошланғич таълим жараёнида ўқувчилар фаолиятлари интеграцияси асосида масъулиятлиликни шакллантириш жараёни олинган.

Тадқиқотнинг предметини кичик мактаб ёшидаги болаларда фаолият турлари интеграцияси асосида масъулиятлиликни шакллантиришнинг мазмуни, шакли, методи ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда адекват ҳолатда ўрганишни таъминлашга қаратилган назарий (таҳлилий-синтетик, қиёсий-таққослаш, аналогия, моделлаштириш), диагностик (сўровлар, тест ўтказиш, кузатиш, лойиҳалаштирилган методикалар), прогностик (эксперт баҳолаш, мустақил баҳоларни умумлаштириш), педагогик тажриба-синов ва математик методлар (маълумотларни статистик қайта ишлаш, натижаларни график тасвирлаш) каби усуллар мажмуи қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

шахс масъулиятлиги муаммосига доир диний-мифологик таълимотлар, Шарқ уйғониш даври маънавий мероси, жадид маърифатпарварлари қарашлари ҳамда замонавий педагогик, психологик, ҳуқуқий манбалардаги масъулиятлилик, жавобгарлик, бурч тушунчаларининг мазмуни хронологик ва қиёсий жиҳатдан аниқлаштирилган;

мактабга ўтиш ёшидаги болаларда жавобгарлик, тартиб-интизомлилик, иродалилик каби масъулиятлилик элементлари мактабга тайёрлов машғулотларидаги операцион (воқеий), роль ижро этиш каби ўйинлар ва кичик мактаб ёшидаги болаларнинг ўқув-тарбиявий фаолиятини интеграциялаштириш, масъулиятлиликни шакллантириш методикаси босқичларини изчил амалга ошириш асосида шакллантирилган;

бошланғич синф ўқувчиларида масъулиятли хулқ-атворни намоён этиш бўйича коммуникатив, академик ва дидактик кўникмалар иштирокчилар фаолиятини интегратив, ижодий фаоллик ва янгича фикрлаш инновацион ёндашувлар, қувноқ қуй ва қўшиқларни тинглаш, ўзини ифода этиш каби ўйинли технологиялар орқали такомиллаштирилган;

кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг масъулиятлилик даражасини аниқлаш рефлексия, интизомлилик, жавобгарлик ва ташаббускорлик мезонлари асосида ўз-ўзини бошқариш, ўз-ўзини таҳлил қилиш, баҳолаш ҳамда мустақиллик, қатъиятлилик, ташаббускорликка тааллуқли масъулиятлиликни шакллантириш методикаларига таянган ҳолда очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар ўйин, меҳнат ва билиш фаолиятларини интеграциялаш асосида амалга ошириладиган масъулиятлиликни шакллантириш методикаси ишлаб чиқилган;

бошланғич синф ўқитувчиларини интеграциялашган машғулотларни ташкил этиш ҳамда ўқувчиларда масъулиятлиликни шакллантириш методикасидан фойдаланишга тайёрлаш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқилган;

“Шарқ уйғониш даври педагогик фикр тараққиёти” номли ўқув қўлланма нашр этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги гуманитар фанлар маълумотлари асосида танланган муаммо ечимини топишдаги методологик ёндашувлар, тадқиқот муаммоси, объекти, предмети, мантиқи ва вазифаларига мос методлар мажмуини қўллаш билан, унинг методик базаси, назарий ишланмаларнинг педагогик тажриба-синовда текширилиши, ишлаб чиқилган тавсияларнинг амалиётга жорий этилиши натижалари билан таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шахсий-фаолиятли ва аксиологик ёндашувлар асосида, бошланғич синф ўқувчиларида масъулиятлилиқни шакллантириш жараёни педагогик нуқтаи назаридан кўриб чиқилиб, болани шахсий позициясини ҳисобга олган ҳолда ахлоқий қадриятлар ва масъулиятлилиқка тайёрлиги ҳисобга олинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда шахслик сифати, инсоннинг хулқ-атворини ахлоқий қоидалар нуқтаи назаридан акс эттиришга тайёр бўлиш ҳолатини акс эттириш ва улардан амалиётда фойдаланиш, методик материаллардан бошланғич таълим ва соҳа мутахассисларини тайёрлашда фойдаланиш имконияти мавжудлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бошланғич таълим ва тарбия тизимида ўқувчилар фаолиятларини интеграциялаш асосида масъулиятлилиқни шакллантириш методикасини ишлаб чиқиш бўйича тайёрланган услубий ва амалий таклифлар асосида:

шахс масъулиятлилиги муаммосига доир Шарқ маънавий мероси ва илмий манбалардаги қарашлар хронологик асосида тизимлаштирилганлигига оид хулосалари “Шарқ уйғониш даври педагогик фикр тараққиёти” номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 31 майдаги 237-сон буйруғи, 237-т-009-сон гувоҳнома). Натижада педагогик тизимдаги фанлар ва уларнинг тарихини ўрганиш жараёни самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг масъулиятлилиқ даражасини аниқлаш ўз-ўзини бошқариш, ўз-ўзини таҳлил қилиш – англаш ҳамда мустақиллик, қатъиятлилиқ, ташаббускорликка тааллуқли масъулиятлилиқни шакллантириш методикаларидан Қашқадарё, Бухоро, Жиззах вилоятлари халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги умумий ўрта таълим мактабларида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим марказининг 2021 йил 08 августдаги 01/11-01/10-1204-сон – маълумотномаси). Натижада бошланғич таълим тизими олдига қўйилаётган бугунги стратегик талабларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади;

мактабга ўтиш ёшидаги болаларда масъулиятлилиқ элементлари (жавобгарлик, тартиб-интизомлилиқ, иродалилиқ) мактабга тайёрлов машғулотларидаги ўйин ва ўқув-тарбиявий фаолиятини интеграциялаштириш, масъулиятлилиқни

шакллантириш методикаси босқичларининг изчил амалга оширилиши бўйича илмий хулосаларидан ФЗ-22020001064 “Олий таълим муассасалари негизида мактабгача таълим ташкилотлари (МТТ)нинг замонавий дидактик методика таъминотини яратиш” мавзусидаги амалий лойиҳаларини амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги хузуридаги Республика таълим марказининг 2021 йил 08 августдаги 01/11-01/10-1204-сон маълумотномаси). Натижада мактабгача таълим ёшидаги болаларда фаолиятлар интеграцияси жараёнида масъулият ҳиссини таркиб топтиришга эришиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси юзасидан жами 20 та илмий-услубий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 2 та хорижий журналларда 4 та республика журналларида нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адбиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 131 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, ишнинг мақсади, вазифалари ва объекти ҳамда предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, нашр қилинган ишлар ва ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Шахсда масъулиятлиликини шакллантиришнинг тарихий-назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида шахс масъулиятлилиги тушунчасининг моҳияти очиб берилган, ушбу тушунчага доир Шарқ мутафаккирлари, педагог ва психолог олимларнинг илмий ҳамда амалий қарашлари таҳлил қилинган, кичик мактаб ёшидаги болаларда масъулиятлиликини шакллантиришнинг ўзига хослиги ва бугунги кунда ушбу муаммо юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳолати таҳлил қилинган. Шахс масъулияти ижтимоий қимматга эга бўлган ахлоқий сифатлардан бири ҳисобланганлиги сабабли ҳам жуда кўп фалсафий, педагогик ва бадий асарларда ушбу муаммога мурожаат этилади. Жумладан, Ислом таълимотида, Темур “Тузуклар”ида, Бегунининг “Ҳиндистон” номли асарида, Абу Али ибн Синонинг “Тиб қонунлари” асарида, Кайковуснинг “Қобуснома” асарида,

Муслиҳиддин Саъдий Шерозийнинг “Гулистон” асарида шахс масъулияти ҳақидаги ўз мулоҳазаларини билдириб ўтганлар.

Афлотун, Аристотель, Жон Дьюи, Ж.П. Сартр, Л. Мей, Б. Скиннер, Э. Фромм, Ж. Пиаже, Л. Колберг, Ф. Хайдер, С.Л. Рубинштейн, К.А. Абулханова – Славская, Б.Ф. Ломов, Н.А. Минкина, Э. Завадская, В. Шевченко, Л.И. Божович, К. Муздибоев, М.В. Матюхина, К.А. Климова асарларида масъулиятлиликни шакллантиришга таъсир қилувчи асосий шартлар, усуллар, омиллар ёритилган.

Кичик мактаб ёш даври – бола ривожланишнинг ўзига хос бўлган даври бўлиб, бу даврда физиологик ўзгаришлар билан бир қаторда психологик ривожланиш ҳам жуда тез суръатлар билан амалга ошади ва болада ички руҳий кечинмалар, ўз хатти-ҳаракатларини ички бошқаруви пайдо бўлади. Ва энг муҳими бола ўз фаолияти мазмуни ҳамда йўналишини аниқлай бошлайди.

Кичик мактаб ёшидаги болаларда масъулиятлилик шаклланишини мураккаб ва кўп аспекти жараён сифатидаги таҳлили уни тўлиқ ўрганишни биргина нуқтаи назардан амалга ошириш мумкин эмас, балки унинг устида назарий-методологик ёндашувлар асосида тадқиқот олиб бориш зарур, деган хулосага олиб келди. Ана шу ёндашувлар масъулиятлиликни шакллантириш жараёнини ташкилий жиҳатдан комплекслигини таъминлайди.

Кичик мактаб ёшидаги болалар учун *ўйин, ўқув-билув ва меҳнат* фаолиятлари характерлидир. Замонавий педагогика назариясида *ўйин* мактабгача ёш давридан кичик мактаб ёшига ўтган болалар ҳаётида етакчи фаолият тури сифатида қаралади. Ўйинда бола катталарга тақлид қилишга интиланган ҳолда баъзи ролларни ўзига ола бошлайди. Бола ўйнаб туриб мустақил ҳаракатланади, ўз хоҳишларини, тасаввурларини, туйғуларини эркин ифодалайди.

Худди шунингдек, кичик мактаб ёшидаги болаларда *ўқув-билув* фаолияти ҳам характерлидир. Ақлий тарбиянинг мазкур жиҳати болада тафаккур амалларини, билиш жараёнларини ва қобилиятларини ривожлантириш сифатида қаралади.

Меҳнат фаолияти давомида болалар меҳнат кўникма ва малакаларига эга бўладилар. Лекин булар касбий кўникмалар эмас, балки болага катталардан мустақил бўлишга кўмак берадиган кўникмалардир. Боланинг меҳнати мажбурий тавсифли бўлмасдан, ҳолатли кўринишга эга бўлади, аммо меҳнатда шахснинг жуда кўп ҳаётий муҳим сифатлари ривожланиши маълум. Бола меҳнатининг ўзига хослиги шундаки, унда фаолиятнинг барча таркибий компонентлари бўлишига қарамасдан, улар ҳали ривожланиш босқичида бўлиб, албатта, катталарнинг иштироки ва ёрдамини назарда тутади.

Тадқиқот доирасида “кичик мактаб ёшидаги болалар масъулиятлилиги” тушунчасига аниқлик киритишга ҳаракат қиламиз, мазкур муаммо бўйича тадқиқот ишларини ўрганиб, таҳлил қилиб, унга *ўз ҳаракатларига маънавий*

қоидалар позициясидан рефлексияга тайёрлик ҳолатини акс эттирувчи шахс сифати тарзида таъриф берамиз.

*Масъулиятлилиқни шахслиқ тавсифлари қуйидагилардан иборат:
рефлексия (ўз-ўзини назорат қила олиш, ўз-ўзини баҳолай олиш, ўз-ўзини таҳлил қила олиш);*

мустақил ҳолда мақсадга қараб интилиш, ташаббускорлик;

ўз-ўзини ташкил этишига тайёрлик;

ўз хатти-ҳаракатлари учун жавоб беришига тайёрлик.

Масъулиятлилиқни ижтимоий тавсифлари эса қуйидагиларни ўз ичига олади:

ижтимоий йўналганлик;

ташқи мотивация;

субъект-субъект муносабатлари.

*Тадқиқотимиз давомида кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда масъулиятлилиқни шакллантиришга доир изланишлар олиб борар эканмиз, илмий ва методик манбалар ва турли ёндашувлар таҳлили ҳамда масъулиятлилиқнинг шахслиқ тавсифларига таянган ҳолда **шахс масъулиятлилиғи мезонларини** қуйидагича белгилаб олдик:*

ўз фаолияти мақсади ва мазмунини англаш (рефлексия);

мақсадга эришишига жазм қилиш ва ташаббускорлик;

собиққадамлик ва интизомлилиқ;

жавобгарликни ҳис этиш (ўз хатти-ҳаракати натижаси учун, атрофидагилар учун, сўзлаётган сўзи учун ва ш.к. учун).

Бошланғич таълимнинг асоси мактабгача таълим жараёнида ташкил этилишини ҳисобга оладиган бўлсак, жавобгарлик ва масъулият юқори бўлган бошланғич таълим тизимига болаларнинг адаптацияси уларнинг мактабга тайёрлов жараёнининг тўғри ташкил этилишига боғлиқдир. Мактабга тайёрлов жараёнининг болалар ҳаётида муҳим ўрин тутишини инобатга олган ҳолда, бугунги кунда Республикамизда мажбурий мактабга тайёрлов гуруҳларини ташкил этишга қарор қилинди, “Илм йўли” мактабга тайёрлов дастури қабул қилинди. Болалар хулқ-атворининг ахлоқий асосларини шакллантириш жараёнини ташкил этишни баҳолаш учун биз бугунги кунгача Ўзбекистонда қабул қилинган мактабгача таълим дастурларини қиёсий таҳлил қилиб чиқдик.

Бошланғич таълим дастурларининг тақдим этилган таҳлили, умумий ўрта таълим муассасалари тажрибасини ўрганиш натижасида, кичик мактаб ёшидаги болаларда шахсий фазилатларни шакллантириш муаммоси чуқур ўрганилмаганлигини, ушбу ёшдаги болаларда масъулиятлилиқни шакллантириш муаммоси фақат бошқа ахлоқий фазилатлар билан биргаликда эътиборга олинганлигини гувоҳи бўлдик.

Бундай камчиликлар кичик мактаб ёшидаги болалар масъулиятининг асосий хусусиятларини аниқлаш ва болаларнинг турли фаолиятида уни шакллантириш технологияларни такомиллаштириш заруриятини юзага келтиради.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Бошланғич синф ўқувчиларида фаолиятлар интеграцияси жараёнида масъулиятлиликни шакллантириш мазмуни**” деб номланган. Ушбу бобда ўқувчилар фаолиятлари ва ўқув машғулотларини интеграциялаш назарий ва амалий жиҳатдан асосланган, бошланғич синф ўқувчиларида масъулиятлиликни шакллантириш модели тайёрланган ва ушбу моделга асосланган ҳолда болаларни мактабга тайёрлов даврида ҳамда бошланғич таълим жараёнида фаолиятлар интеграцияси асосида масъулиятлиликка ўргатиш методикалари ишлаб чиқилган.

Психологик ҳодиса сифатида интеграция психологик назариянинг ривожланиш принципи сифатида намоён бўлиши мумкин, бу фаол ўзаро таъсирнинг тобора мураккаб шаклларига олиб келадиган алоқалар тизимини ривожлантириш жараёнидир.

Умумий ҳолда, интеграция (лотинчада *integratio* – тиклаш, тўлдириш, *integer* сўзидан олинган – бутун) маълум бир ҳолатга эришишни таъминлайдиган ички гуруҳ жараёнларининг иерархик равишда ташкил этилган тўпламини англатади².

Кичик мактаб ёшидаги болалар фаолият турлари таҳлили, ушбу фаолият турларини интеграциялаш ва уларда масъулиятлиликни шакллантириш борасида олиб борган изланишларимиз натижасида “Бошланғич синф ўқувчиларида фаолиятлар интеграцияси асосида масъулиятлиликни шакллантириш модели” ни ишлаб чиқишга ҳаракат қилдик (1-расм).


Моделнинг асосий **мақсади** бошланғич таълим жараёнида ўқувчилар фаолият турларини интеграциялаш асосида масъулиятли шахсни шакллантиришдан иборат.

Моделда жараён компонентлари, тамойиллари, манбалар, амалга ошириш стратегияси, босқичлари, баҳолаш мезонлари ва даражалари ҳамда якуний натижа ўз ифодасини топган.

Мактабгача таълим даврига нисбатан кичик мактаб ёши масъулиятли вазифалар тизими, тартиб-интизом ва жавобгарлик ҳисси, топшириқлар ва ўз хатти-ҳаракатига нисбатан жавобгарликнинг юқорилиги билан бирмунча фарқ қилади. Болаларда масъулиятлилик элементларини шакллантиришни мактабга тайёрлов давриданок бошлаш бошланғич таълим-тарбия жараёнини ҳамда болаларнинг мактабга тайёрлов даврини муваффақиятли амалга ошишига ёрдам беради.

Мактабга тайёрлов гуруҳи болаларида масъулиятлиликни шакллантиришда бадий адабиёт материаллари, иллюстрациялар, кузатув, қоидали ўйинлар асосида маънавий-ахлоқий қоида ва меъёрлар билан таништириш бўйича мажмуавий машғулотлардан фойдаланилди.

²Психология: Словарь /Под ред. А.Б. Петровского, М.Г. Ярошевского. – М.: Политиздат, 1990. – С. 140-142.



2.1-расм. Бошланғич синф ўқувчиларида фаолиятлар интеграцияси асосида масъулиятлилиكنи шакллантириш модели.

Мактабга тайёрлов ёшидаги болаларда масъулиятлиликни шакллантириш жараёнини тўғри ташкил этиши учун педагогларни тайёрлаш жараёни маърузалар, семинар-практикумлар, педагогик маслаҳатлар, турли ахборот манбалари орқали мустақил таълим олиш, педагогларнинг муаммолар юзасидан методик бирлашмалари орқали ташкил этиладиган методик ишлар, илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштириш каби шаклларда ташкил этилади.

Бошланғич синфларда ўқувчиларда масъулиятлиликни шакллантиришнинг асосий ташкилий шакли бу дарс машғулотларидир.

Тадқиқотимиз давомида ишлаб чиқилган бошланғич таълим жараёнида ўқувчиларда фаолиятлар интеграцияси асосида масъулиятлиликни шакллантириш методикаси:

бошланғич синф ўқувчиларида масъулиятлиликни шакллантириш жараёнини ташкил этиш учун ўқитувчиларни тайёрлаш;

турли фаолиятлар (ўйин, ўқиш, меҳнат) интеграцияси ёрдамида ўқувчиларда масъулиятлиликни босқичма-босқич шакллантиришни назарда тутди.

Меҳнат фаолияти кўникмаси ирсиятдан ўтмаслиги, балки меҳнат тарбияси жараёнида шаклланишини ҳисобга оладиган бўлсак, меҳнат тажрибасини ўзлаштириш имкониятига қараб, масъулиятлиликни шакллантириш методикасининг асосида меҳнат жараёнларининг субъекти позициясидан боланинг мустақил ривожланишига йўналтирилган, унинг кучи етадиган меҳнат қилиш вазибалари; навбатчилик қилиш каби топшириқлар бериб борилади.

Кичик мактаб ёшидаги болаларда масъулиятни шакллантириш учун ишлаб чиқилган методикани самарали татбиқ этиш, бошланғич синф ўқитувчиларининг таълим жараёнида иштирок этиши учун тегишли тайёргарлик кўрилганидан сўнг амалга оширилиши мумкин.

Қуйида бошланғич синф ўқувчиларида масъулиятлиликни шакллантириш методикасининг ҳар бир босқичи мазмунини очиб беришга ҳаракат қиламиз:

Биринчи босқич. Бажариладиган фаолият бўйича тасаввур ва мотивацияларни шакллантириш.

Мазкур босқичда ўқитувчининг тўғридан-тўғри кўрсатмалари асосида ишни бажариш, ахлоқий меъёрлар ва ўзини тута билиш – бадий адабиётлар материаллари, иллюстрациялар, кузатишлар, қоидалар ўйинлар асосидаги мажмуавий машғулотлардан фойдаланилди.

Иккинчи босқич. Масъулиятлиликка оид амалий кўникмалар шаклланаётганлигининг намоён бўлиши.

Мазкур босқич ташкилий ишларнинг асосий йўналишлари бўлиб, бола учун муаммоли ҳолатларни таҳлил этиш, мажмуавий топшириқлар ҳамда сюжетли-дидактик ўйинлар, педагогик стимул берувчи методлардан фойдаланилади.

“Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда масъулиятлиликни шакллантириш жараёнини экспериментал ўрганиш” деб номланган учинчи бобда тадқиқот муаммосига доир олиб борилган тажриба-синов ишларининг натижалари баён этилди.

Тадқиқотимиз давомида ишлаб чиқилган методика Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги 6-,43-,48, Бухоро вилоятидаги 3-, 8-, 34- умумий ўрта таълим мактаблари, Жиззах вилоятидаги 8-, 17-, 21- умумий ўрта таълим мактабларида синовдан ўтказилди. Педагогик экспериментда Қашқадарё вилоятидан жами 210 нафар, Бухоро вилоятидан 207 нафар ва Жиззах вилоятидан 205 нафар, жами 622 нафар бошланғич синф ўқувчилари иштирок этдилар.

Бошланғич синф ўқувчиларида масъулиятлиликнинг шаклланганлик даражасини аниқлаш учун В.М. Матюхина ва С.Г. Яриксова томонидан ишлаб чиқилган “Ўз-ўзининг иродавий сифатларини баҳолаш” методикасидан фойдаланилди.

Масъулиятлиликнинг шаклланганлиги 3 даражада баҳоланди: интернал (юқори) даража, ўрта даража, экстернал (қуйи) даража.

Тажриба гуруҳларида олинган натижаларининг мажмуавий таҳлили шуни кўрсатадики, ўрта даражага эга бўлган болалар контингенти бир томондан илгари паст даражага эга бўлган болаларнинг ўтиши билан ортиб борса, бошқа томондан эса уларнинг бир қисми масъулиятлилик кўрсаткичи юқори даражада шаклланган гуруҳга ўтиб қўшилдилар.

1-жадвал


Тажриба якунида бошланғич синф ўқувчиларида масъулиятлиликнинг шаклланганлик даражаси

Барча умумий ўрта таълим мактаблари	Кўрсаткичи	Тажрибагуруҳлари				Назоратгуруҳлари			
		Тажриба бошида	%	Тажриба охирида	%	Тажриба бошида	%	Тажриба охирида	%
Умумий натижалар	Интернал	77	24,6	125	39,9	70	22,7	82	26,6
	Ўрта	105	33,5	128	40,9	103	33,4	115	37,3
	Экстернал	131	41,9	60	19,2	135	43,8	111	36,0
Жами		313	100	313	100	308	100	308	100

Бошланғич синф ўқувчиларида масъулиятлиликнинг шаклланганлик даражаси якуний натижалари барча тажриба гуруҳларида ижобий динамика мавжудлигини кўрсатди.

Якуний назорат натижаларига кўра, масъулиятлиликнинг барча мезонлари тажриба гуруҳида кўзга ташланарли рақамларда намоён бўлди, мазкур ҳолат тадқиқотимизнинг асосий ҳолатларига мос келади ва кичик мактаб ёшидаги болаларда масъулиятлиликни шакллантириш юзасидан таълим жараёнига ишлаб чиқилган методиканинг татбиқ этилишида танланган ташкилий ишларни тўғрилигини тасдиқлайди.

Олинган маълумотларни диаграммада ифодалаймиз (2-расм).



2-расм. Тажриба якунида бошланғич синф ўқувчиларида масъулиятлиликнинг шаклланганлик даражаси

Шундай қилиб, кичик мактаб ёшидаги болаларда масъулиятлиликни шакллантириш даражаси бўйича ўтказилган учта назорат асосида ҳамда тадқиқотимиз натижаларини ҳисобга олиб, уларни ижобий ва самарадор эканлиги ҳақида умумий хулосага келишимиз мумкин.

Барча мумкин бўлган баҳолаш мезонларидан ўрта қийматни ва квадратик четланишларни ҳисобга олувчи Стъюдент мезонини танладик. Танловимизнинг қайд этувчи натижасига асосланиб, педагогик тадқиқотларда иккита ўртача кўрсаткичлар табақаланиш статистик ишончилигини нормал қонун (Гаусс тақсимоти) бўйича олинган маълумотларни тақсимотини Стъюдент мезонига кўра текшириб кўрдик. Тақсимотнинг нормалга яқин эканлигига ҳар бир гуруҳ бўйича берилган танланмаларни таққослаш натижасида ишонч ҳосил қилдик.

Тажриба ва назорат гуруҳидаги баҳолаш натижаларини мос равишда 1 ва 2-танланмалар деб олсак, қуйидаги вариацион қаторларга эга бўламиз:

2-жадвал

Тажриба ва назорат гуруҳидаги баҳолаш натижалари

Тажриба гуруҳи	1-танланма				
	X_i	юқори	яхши	ўрта	Жами
	n_i	125	128	60	$n=313$
Назорат гуруҳи	2-танланма				
	Y_j	юқори	яхши	ўрта	Жами
	m_j	82	115	111	$m=308$

Ўзлаштириш даражасини қуйидаги формула асосида ҳисоблаймиз:

$$\bar{X} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^3 n_i X_i = \frac{1}{313} (125 \cdot 5 + 128 \cdot 4 + 60 \cdot 3) = \frac{1}{313} (625 + 512 + 180) = \frac{1317}{313} = 4,20 \approx 4,2$$

$$\text{Фоизда } \overline{X\%} = \frac{4,2}{3} \cdot 100\% = 140\%$$

$$\bar{Y} = \frac{1}{m} \sum_{j=1}^3 n_j Y_j = \frac{1}{308} (82 \cdot 5 + 115 \cdot 4 + 111 \cdot 3) = \frac{1}{308} (410 + 460 + 333) = \frac{1203}{308} = 3,90 \approx 3,9$$

$$\text{Фоизда } \overline{Y\%} = \frac{3,90}{3} \cdot 100\% = 130\%$$

Тажриба гуруҳидаги ўртача ўзлаштириш назорат гуруҳидаги ўзлаштиришдан кўрсаткичидан $(140-130)\% = 10\%$ га юқори экан. Бу эса ўз навбатида $\frac{140\%}{130\%} = 1,07$ баробар ортиқлигини англатади.

Ушбу ўзлаштириш кўрсаткичларини фоишларда ҳисоблаймиз:

$$P = \frac{\bar{X}}{3} \cdot 100\% - \frac{\bar{Y}}{3} \cdot 100\% = 10,06$$

Бундан шуни хулоса қилиб айтиш мумкинки, тажриба гуруҳининг кўрсаткичи назорат гуруҳиникига нисбатан $10,06\%$ га ошганлигини кўриш мумкин.

Тадқиқот давомида ўтказилган тажриба-синов ишлари натижалари кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда фаолиятлар интеграцияси асосида масъулиятлиликни шакллантиришга доир ишлаб чиқилган методиканинг самарадор эканлигини кўрсатди. Яъни мактабга тайёрлов даврида ҳамда бошланғич таълим жараёнида ўйин, ўқув-билув ва меҳнат фаолиятларини интеграциялаш асосида ташкил этиладиган машғулотлар тизими келажақда ўқувчиларда бурч, масъулият, жавобгарлик, собитқадамлик каби сифатларни шакллантиришга хизмат қилиши аниқланди. Олиб борилган тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик статистик жиҳатдан исботланди.

ХУЛОСАЛАР

1. Адабиётларни таҳлил қилиш ва кичик мактаб ёшидаги болаларнинг ёши ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тушунчаларни асосий тавсифларини аниқлаштириш, унинг ижтимоий ва шахсий хусусиятларини ажратиб кўрсатиш имкониятини яратди. Фалсафий, психологик-педагогик ва методик адабиётлар таҳлили турли даврларда ушбу муаммога тадқиқига ёндашув турлича бўлганлигини тасдиқлайди. Кичик мактаб ёшидаги болаларда замонавий шароитда масъулиятлиликни шакллантириш муаммоси ҳолатини ўрганиш барча ахлоқий фазилатларни шакллантиришда боланинг маънавий ахлоқий ривожланиши бўйича олиб бориладиган тадқиқотлар умумий нуқтаи назаридан амалга оширилади.

2. Бошланғич таълим жараёнида юқори сифат интегротив ёндашув асосида таъминланади. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчининг масъулияти – шахсий хусусият сифатида хулқ-атвор, одоб-ахлоқ қоидаларини ўзида акс

эттиришга тайёрлиги, ўз фаолияти натижаси учун ўзи ва бошқалар олдида жавобгар бўлиш ҳолатини акс эттиради. Ўқувчиларда масъулиятлиликини шакллантириш учун интеграцияни қўллаш бўйича методик тавсиялар сифатида қуйидаги ҳолатлар аниқланди: кичик мактаб ёшидаги болаларнинг ёши ва индивидуал имкониятларини ҳамда педагогик жараённинг асосий йўналишларининг ўзаро боғлиқлиги ҳисобга олиш. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар масъулиятлилигини шакллантиришда ўқувчилар, ота-оналар ва педагог-ўқитувчилар учун интегратив методиканинг аҳамиятли эканлиги кўрсатиб берилди.

3. Масъулиятлиликини шакллантиришнинг муваффақияти уни шакллантиришнинг методикасини амалга оширишга боғлиқ бўлиб у икки босқичда амалга оширилди: мактабга тайёрлов даврида болаларни масъулиятли фаолиятга тайёрлаш методикаси ва бошланғич таълим жараёнида ўқувчиларда масъулиятни шакллантириш методикаси. Мактабга тайёрлов жараёнида методикани изчил амалга ошириш болаларда бажарилган фаолиятнинг масъулиятлилиги ва мотивацияси ҳақидаги ғояларни шакллантиришни; турли фаолиятларда масъулиятли хатти-ҳаракатларнинг намоён бўлиши учун амалий кўникмаларни таркиб топтиришни; тўпланган тажрибалардан онгли равишда мустақил фойдаланишга ўргатишни ҳамда масъулиятли таълим жараёнига адаптацияни юзага келтиришни назарда тутди.

4. Кичик мактаб ёшидаги болаларда масъулиятлиликини шакллантириш муаммолари устида олиб борилган тадқиқот ишлари натижаси сифатида келтирилган бошланғич синф ўқувчиларида фаолиятлар интеграцияси асосида масъулиятлиликини шакллантириш модели бошланғич таълимда интеграциялашган дарсларни ташкил этиш методикаларини жорий қилиш учун шароитларни яратиш, методик таъминотни такомиллаштириш асосида мактабга тайёрлов ва бошланғич таълим даври узвийлигини таъминлашни назарда тутди. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда фаолиятлар интеграцияси асосида масъулиятлиликини шакллантириш методикаси босқичларининг ҳар бири ўқувчиларда масъулиятлиликини ривожлантиришнинг қуйидаги механизмини акс эттиради: бажарилган ҳаракатлар учун жавобгарлик ва мотивация ҳақидаги фикрларни таркиб топтириш, турли тадбирларда масъулиятли хатти-ҳаракатларнинг намоён бўлиши учун амалий кўникмаларни шакллантириш; масъулиятли хатти-ҳаракатларга доир тўпланган тажрибалардан онгли равишда фойдаланиш; болалар ва катталарнинг биргаликдаги фаолиятини субъект-субъект ўртасидаги ўзаро муносабатлар асосида амалга ошириш; кичик мактаб ёшидаги болаларда масъулиятлиликини шакллантириш жараёнига педагог-ўқитувчиларни тайёрлаш ва уларнинг назарий ҳамда амалий тайёргарлигини такомиллаштиришни таъминлайди.

5. Тажриба-синов ишлари кичик мактаб ёшидаги болаларда масъулиятлиликини шакллантириш методикасини жорий этиш самарадорлигини тасдиқлади. Тадқиқот натижалари, бошланғич синф ўқувчиларида масъулиятлиликини шакллантириш методикаси бошланғич таълим жараёнида самарали амалга оширилиши мумкинлигини кўрсатди.

ТАКЛИФ ВА ТАВСИЯЛАР

1. Шахс масъулиятлилиги унинг ўз-ўзига, атрофидагиларга, атрофмуҳитга ва мавжуд меъёрларга адекват муносабати учун асос бўлиб хизмат қилади. Шу сабабли бола туғилганидан оқ унда тартиб-интизом, ўз хатти-ҳаракати ва буюмлари учун жавобгарлик, иродалилик каби сифатларни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш ва бунинг учун жараён ташкилотчилари бўлган МТТ тарбиячилари билан бирга ота-оналарни ҳам тайёрлаб бориш лозим.

2. Бошланғич синф ўқувчиларида ва мактабгача таълим ёшидаги болаларда тартиб-интизом ва масъулиятни таркиб топтириш учун махсус машғулотларнинг ташкил этилиши шахсда жуда эрта ёшдан ўз хатти-ҳаракати ва фаолияти учун, атрофидагилар учун масъулият ҳиссининг таркиб топишига хизмат қилади. Шу сабабли, мактабга тайёрлов даври ва бошланғич таълим жараёнида ўқувчиларда масъулиятлиликини шакллантиришга доир методик қўлланма ва методик тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

3. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнида ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари билан болаларда масъулиятлиликини шакллантириш методикасини махсус курс сифатида ўқитиш келажакда уларнинг фаолиятини тизимли ташкил этишга ёрдам беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/04.06.2020.Ped 70.02
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
КАРШИНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

КАРШИНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

МУХАММАДИЕВА МАНЗУРА МАРАТОВНА

**МЕТОДИКА ФОРМИРОВАНИЯ ОТВЕТСТВЕННОСТИ У
УЧАЩИХСЯ НАЧАЛЬНЫХ КЛАССОВ В ПРОЦЕССЕ ИНТЕГРАЦИИ
ДЕЯТЕЛЬНОСТЕЙ**

**13.00.02 - Теория и методика обучения и воспитания
(начальное образование)**

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации на соискание ученой степени доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам

Карши - 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2021.3.PhD/Ped1144.

Диссертация выполнена в Каршинском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме) размещен на веб-странице Научного совета (www.qardu.uz) и информационном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Гаффорова Тальят

кандидат педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Химматалиев Дустназар Омонович

доктор педагогических наук

Уразова Марина Батировна

доктор педагогических наук, профессор

Ведущая организация:

Ургенчский государственный университет

Защита диссертации состоится «___» _____ 2021 года в ___ часов в заседании Научного совета PhD.03/04.06.2020.Ped 70.02 по присуждению ученых степеней при Каршинском государственном университете (Адрес: 180103, город Карши, ул.Кучабог 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@mail.uz.). Каршинский государственный университет, Педагогический факультет, кабинет № 201.

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Каршинского государственного университета (зарегистрирована под номером ___). (Адрес: 180103, г. Карши, ул.Кучабог 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz).

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2021 года
(протоколь реестра под номером ___ от «___» _____ 2021 года).

Р.Д. Шодиев

председатель Научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.п.н., профессор

И.Б. Камолов

ученый секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.ф.п.н. (PhD), доцент

Х.О. Жураев

председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению
ученых степеней, д.п.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. В соответствии с происходящими в мире изменениями особые требования предъявляются к приспособлению личности к имеющей динамический характер окружающей среде, обеспечивающей личностное развитие субъективной деятельности, таким особенностям личности, как инициативность, самостоятельность, дисциплинированность и ответственность. Современные тенденции в зарубежной системе образования предусматривают формирование основанных на самостоятельности личности волевых качеств, чувства ответственности с самого раннего возраста. В частности, в системе образования Финляндии, Южной Кореи, Японии важное значение имеет обучение детей с младшего школьного возраста принимать самостоятельные решения в жизненных ситуациях, нести ответственность за свое будущее.

Во всем мире осуществляются научные исследования по определению проблемы развития ответственности у детей и совершенствования формирования личной ответственности. В связи с этим, в частности, на основе требований личностно-ориентированно образовательной стратегии и компетентного подхода уделяется большое внимание вопросам внедрения эффективных форм и методов формирования ответственности у учащихся начальных классов в процессе интеграции деятельности, расширения сферы инновационной деятельности учителей начальных классов, развития их профессиональной компетентности.

В последние годы в республике особое внимание уделяется формированию с раннего детского возраста ответственного отношения к окружающим, обществу, природе и своей деятельности, и на этой основе обогащению духовности подрастающего поколения. «Усилить интерес подрастающего поколения к чтению, духовно и материально стимулировать читателей, расширить ряды активных читателей»¹. Исходя из этих задач, в республике важное научно-практическое значение приобретают исследования в области охвата обязательным процессом подготовки к школе детей 6-7 лет, ответственного отношения к природе, формированию навыков чтения с раннего детского возраста.

Данная диссертация в определенной степени служит выполнению задач, определенных в Указах и Постановления Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», УП-5712 29 апреля 2019 года «Об утверждении Концепции развития системы народного образования Республики Узбекистан до 2030 года», ПП-3955 от 30 сентября 2018 года «О мерах по совершенствованию системы управления дошкольным образованием», ПП-4467 от 30 сентября

¹ Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан № 781 от 14 декабря 2020 года «Об утверждении Национальной программы развития и поддержки культуры чтения на 2020-2025 годы».
– <https://lex.uz/ru/docs/-5160827#-5162595>

2019 года «О мерах по кардинальному повышению эффективности внешкольного образования в системе народного образования», Постановлениях Кабинета Министров Республики Узбекистан № 187 от 6 апреля 2018 года «Об утверждении государственных образовательных стандартов общего среднего и среднего специального образования», № 999 от 8 декабря 2018 года «О мерах по поэтапному переходу на обязательную годовичную подготовку детей к начальному образованию», № 781 14 декабря 2020 года «Об утверждении Национальной программы развития и поддержки культуры чтения на 2020-2025 годы» и других нормативно-правовых актах, имеющих отношение к данной сфере деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии республики. Данная диссертация выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики I. «Формирование системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовно-просветительском развитии информационного общества и демократического государства и пути ее реализации».

